

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

УТЕНБАЕВА ГУЛЬЖАЗИРА МУХТАРОВНА

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланган ҳолда рус тилини ўқитишда бўлажак
ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГЛАРНИНГ СТРАТЕГИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 37.091.3:811.161.1:001.895.159.9:355

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философских наук (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Утенбаева Гульжазира Мухтаровна

Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда рус тилини ўқитишда бўлажак
ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш..... 3

Утенбаева Гулжазира Мухаровна

Совершенствование стратегической компетенции будущих военных психологов при
обучении русскому языку с использованием инновационных педагогических технологий..... 25

Utenbaeva Guljazira Mukhtarovna

Improving the strategic competence of future military psychologists when teaching the Russian
language using innovative pedagogical technologies 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ ҚОШИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ**

УТЕНБАЕВА ГУЛЬЖАЗИРА МУХТАРОВНА

**ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
Фойдаланган ҳолда рус тилини ўқитишда бўлажак
ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГЛАРНИНГ СТРАТЕГИК
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Ped1574 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) бажарилган ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Маматкулов Хуршид Абдурашидович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Нурманов Абдуназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори, профессор
Эркаев Элмирза Темирович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар
Вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 32/30 12 2020 Yu 74 01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий Кенгашнинг 2022 йил 19 март соат 14 30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил 100109, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Чорсу курғони Тел (99871) 230-32-71, факс (99871) 230-32-50, mg-hti@umail.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил 100109, Тошкент вилояти, Заңгиота тумани, Чорсу курғони Тел (99871) 230-32-71, факс (99871) 230-32-50)

Диссертация автореферати 2022 йил 7 март куни тарқатилди
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли ресстр баённомаси)



М.Х.Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, ю ф д., профессор

Н.Д.Ширинова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, п ф н., доцент

D. Xoshimova

Д.У.Хошимова

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п ф д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда, компьютер технологияларининг оммавий ахборотлашуви ва глобаллашуви даврида, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, дипломатик, маданий алоқаларнинг кенгайиши каби омиллар билан изоҳланадиган коммуникатив восита сифатидаги чет тилининг мақомини оширишга, оммавий коммуникация воситаларни ривожлантиришга, таълим ва фан соҳасидаги давлатлараро интеграциясига, ҳарбий соҳада бошқа давлатлар билан стратегик шерикликга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак кадрлар фаолиятининг кўплаб соҳаларида, ҳарбий мутахассиснинг тил тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар ҳам ортиб бормоқда.

Жаҳон амалиётида бўлажак ҳарбий мутахассисларни чет тилни ўқитишда стратегик компетенциясини такомиллаштириш учун инновацион педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллашга қаратилган илмий тадқиқотлар, хусусан, United States Military Academy (АҚШ), Iowa State University (АҚШ), Ontario Institute for Studies in Education (Канада), The PLA National Defence University (Хитой), Korea National Police University (Жанубий Корея), Жуков ордени номидаги Россия Федерацияси Санкт-Петербург Миллий гвардияси кўшинлари ҳарбий институти (Россия) ва бошқа дунёнинг йирик ҳарбий олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Бироқ, ҳозирги вақтда олий ҳарбий таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар асосида бўлажак ҳарбий психологларга рус тилини самарали ўқитишнинг замонавий усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш масаласи ҳозирги кунда долзарб бўлиб, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда чет тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ва юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан Президентимиз “Ҳарбий хизматчиларнинг бир дақиқа вақтиям бекор ўтмаслиги керак. Жисмоний машғулотлар билан бирга ҳар куни ўқиши, чет тилини ўрганиши, дунёқарашини кенгайтириши зарур. Ватан ҳимоячиси деган номга ҳар куни муносиб бўлиши керак”¹ деб таъкидладилар. Дарҳақиқат, ҳарбийларга хорижий тилларни ўргатиш ва уларнинг хорижий тилларга бўлган қизиқишини ошириш, таълим жараёнига замонавий инновацион технологиялар ва лойиҳаларни жорий этиш бўйича юртимизда кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шунга асосланиб, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш, бу йўналишда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 20 май куни Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирига ташрифи. 20.05.2018 йил. [Электрон ресурси]: <https://uza.uz/uz/posts/prezident-lists/view/1746>

инновацион педагогик технологияларни қўллаш, янги авлод ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараккиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 24-сон “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика илм-фан ва технологияларни ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларга мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рус тилини ўқитиш методикасига Л.Т.Ахмедова, М.Д.Джусупова, Э.А.Лагай, Д.У.Хашимова, В.И.Андрянова, М.А.Батырова, С.И.Исмаилова, О.В.Кон, С.С.Магдиева каби маҳаллий олимларнинг ишлари бағишланган, шунингдек, инновацион педагогик технологияларнинг мавзуси Ш.И.Бобохуджаева, З.Ю.Юлдашева, М.В.Кларина, Х.А.Маматкулов каби олимларнинг ишларида ёритилган.

Мустақил давлатлар ҳамдустлигида тил ва коммуникатив компетенцияни ривожлантириш, шакллантириш ва такомиллаштириш муаммолари Н.И.Жинкин, И.А.Зимняя, Ю.А.Маскявичене, А.Р.Лурия, Ф. де Соссюр каби олимлар томонидан ўрганилган, шахсга йўналтирилган таълимнинг педагогик концепциясига Э.В.Бондаревская, А.В.Брушлинский, В.Т.Фоменко, И.С.Якиманская каби олимларнинг ишлари бағишланган.

Стратегик компетенцияларни ошириш масалалари М.Кэнал, М.Свейн, Дж. А. ван Эк, Л.Ф.Бахман, О.С.Палмер каби хорижий олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари етарли эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг

2020-2025 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Офицерлар, курсантлар ва ҳарбий хизматчиларни она тили (рус) ва чет тилларига ўқитишнинг илғор инновацион методлари ва технологиялари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рус тилини ўргатишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингводидактик жиҳатдан стратегик компетенциянинг илмий шартларини аниқлаш, концептуал қоидалари ва амалий асосларини исботлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

стратегик компетенция тузилмасининг мазмунини очиб бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

рус тили бўйича машғулотларда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг дидактик жиҳатларини аниқлаш;

бўлажак ҳарбий психологлар учун рус тили бўйича ўқув қўлланмани ва электрон таълим ўқув дастурини яратиш;

case-study, coach технология ва мультимедиали ўқитиш технологияси: анимация ва видеоблоггинг каби танланган инновацион педагогик технологияларни қўллаш тизимини асослантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнида инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича экспериментал текширувни ўтказиш ва математик таҳлил орқали унинг натижаларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини рус тилини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда такомиллаштиришнинг ўқув жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари 4 та олий ҳарбий таълим муассасасининг 205 нафар курсанти жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини олий ҳарбий таълим муассасаларнинг бўлажак ҳарбий психологларининг инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда мутахассислик тили сифатида рус тилини ўқитиш тизимидаги стратегик компетенциясини такомиллаштириш назарияси ва методикаси ҳамда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштиришнинг лингводидактик асослари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун таҳлилий ва тавсифловчи (тадқиқот муаммоси бўйича лингвистик, психологик, тарихий ўқув-методик адабиётларнинг таҳлили), ижтимоий-педагогик (курсантларнинг нутқий хатти-ҳаракатларини кузатиш, сўроқ қилиш), экспериментал (тасдиқловчи, экспериментал ва назорат тажрибаларини ўтказиш), қиёсий (нутқ намуналарининг қиёсий таҳлили), статистик (тажриба давомида олинган натижаларни қайта ишлаш) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув жараёнида янги лексикани тизимли ва комплекс равишда шарҳлаш, тасвирий материаллардан полифункционал равишда кенг фойдаланиш, кўргазмали электрон таълим воситаларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш таълимига оид “метафрейм” психологик-педагогик услуги ишлаб чиқилган;

рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий психологларнинг “маълумотни қабул қилиш” ва “ўзлаштириш” компонентларидан иборат стратегик компетенцияси моделига “тарқатиш” компонентини киритиш орқали тушуниш, хотирада сақлаш ва проактив синтез механизмларининг самарадорлигини ортишига эришилган;

рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув жараёнида бўлажак ҳарбий психологларнинг касби учун долзарб бўладиган муаммоли ўқув-нутқли вазиятларни яратиш, семиотик жадваллар, схемалардан фаол фойдаланиш, махсус фанлардан маъруза-суҳбатларни эшитиш учун сўзлашув нутқи элементларидан иборат матнларни моделлаштириш эҳтиёжларига оид “реймпринтинг” психологик-педагогик услуги ишлаб чиқилган;

бўлажак ҳарбий психологлар томонидан ўқув материалларни ўзлаштириш жараёнида вазифаларни аниқ белгилаш, вақт ва ресурсларни бошқариш, билимларни таққослаш, лексик матн ва аудио машқларни тушуниш, ёдлаш, амалиётда қўллаш, лексик прогрессни кузатиш, муайян вақт ичида билимларни ўзлаштириш учун вазиятни ва тил имкониятларини етарли даражада баҳолаш, мутахассислик тилига оид сўзларни ва терминларни ёдлаш ва амалиётда қўллаш, тил бўйича стратегияларни тўғри шакллантириш механизмларидан иборат “SMARTEF” номли ижодий топшириқлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чет тилини ўрганишда “стратегик компетенция” ва “ҳарбий стратегик компетенция” каби тушунчаларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштирган;

олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларига рус тилини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш зарурлиги асослантирилган ва бўлажак ҳарбий психологларнинг профессионал фаолиятга тайёргарлик кўриш бўйича стратегик компетенцияларни такомиллаштириш шакллари, методлари ва воситалари ишлаб чиқилган;

рус тилини ўрганиш методикасини такомиллаштириш бўйича ижодий топшириқлар ва назорат ишлари комплекси яратилган;

бўлажак ҳарбий психологларга рус тилини ўргатишда стратегик компетенцияларни такомиллаштириш бўйича мультимедиа электрон ахборот ресурси яратилган;

видеоблогнинг технологияси каби инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг танланган тизими асосида анимациялар ва видео дарслар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар бўлинмалари учун тарбиявий-психологик фаолият йўналишини жорий этиш ва ушбу йўналишда

таълим олувчи курсантларга ихтисосликга мос тарзда рус тилини ўқитиш зарурати асослаб берилган;

нутқ жараёнида юзага келадиган лингвистик, психологик ва методологик қийинчиликларни гуруҳларга бўлиш орқали курсантларни рус тилига ўқитишда стратегик компетенциясини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация ишида ишончли манбалардан ёндашувлар, методлар ва назарий маълумотларни қўлланилганлиги, ўтказилган таҳлил ва муҳокамаларнинг асослантирилганлиги, экспериментал ишнинг самарадорлиги, математик статистика методлари, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак ҳарбий психологларга рус тилини ўргатишда инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг методик базасини такомиллаштиришга хизмат қиладиган билим ва ахборотни тақдим этишнинг усуллари, йўллари ва воситаларини яхшилаш асосида таълим сифатининг кўрсаткичлари тизимини ташкил этиш, олий ҳарбий таълим муассасаларда ахборот ва интерфаол технологиялари асосида давлат таълим стандартларини ва ўқув режаларни такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий психология йўналишида таҳсил олаётган курсантларнинг рус тили бўйича ўқув режаларни, ўқув дастурларини такомиллаштиришга хизмат қилади ва замонавий ёндашувга мувофиқ ўқув-методик таъминот асосида “Ҳарбий психологлар учун рус тили” ўқув курсининг мазмунини бойитади ҳамда инновацион педагогик технологиялар ёрдамида курсантларнинг рус тилидаги стратегик компетенциясини такомиллаштиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ҳарбий психологларнинг рус тилини ўқитишда стратегик компетенциясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидагилар жорий этилган:

рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув жараёнида янги лексикани тизимли ва комплекс равишда шарҳлаш, тасвирий материаллардан полифункционал равишда кенг фойдаланиш, кўргазмали электрон таълим воситаларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш таълимига оид “метафрейм” психологик-педагогик услубини қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2021 йил 30 октябрдаги 9551-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 2021 йил 11 сентябрдаги 22/3-2495-сон маълумотномалари). Натижада бўлажак ҳарбий психологларни ўқитишда ўқитувчи томонидан материалнинг

тилга оид расмийлаштирилишига максимал киришни таъминлайдиган машғулотнинг пухта ўйланган методикаси яратилган;

“маълумотни қабул қилиш” ва “ўзлаштириш” компонентлари тизимига “тарқатиш” компонентини киритиш натижасида тушуниш, хотирада сақлаш ва проактив синтез механизмларининг самарадорлигини ортиши орқали рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенцияси модели такомиллаштириш бўйича таклифлари “Ҳарбий психологлар учун рус тили” ўқув қўлланмасида ўз ифодасини топган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти, Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети каби олий ҳарбий таълим муассасалари таълим жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғига асосан 500-239-сон гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2021 йил 30 октябрдаги 9551-сон маълумотномаси). Натижада, курсантларнинг коммуникатив стратегик қобилиятлари, яъни уларнинг ўзи учун зарур бўлган маълумотлар ҳар қандай баёнотдан муваффақиятли ажратиши ва олинган маълумотлар ҳақида ўз фикрларини билдириши мумкин бўлган стратегиялари такомиллаштирилган;

рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув жараёнида бўлажак ҳарбий психологларнинг касби учун долзарб бўладиган муаммоли ўқув-нутқли вазиятларни яратиш, семиотик жадваллар, схемалардан фаол фойдаланиш, махсус фанлардан маъруза-суҳбатларни эшитиш учун сўзлашув нутқи элементларидан иборат матнларни моделлаштириш эҳтиёжларига оид “реймпринтинг” психологик-педагогик услубини қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2021 йил 30 октябрдаги 9551-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 2021 йил 11 сентябрдаги 22/3-2495-сон маълумотномалари). Натижада “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларни тайёрлашда I-II босқичларда ўқитиладиган махсус фанлардан маъруза-суҳбатларини эшитиш учун сўзлашув нутқи элементларидан иборат матнлар моделлаштирилган;

бўлажак ҳарбий психологлар томонидан ўқув материалларни ўзлаштириш жараёнида вазифаларни аниқ белгилаш, вақт ва ресурсларни бошқариш, билимларни таққослаш, лексик матн ва аудио машқларни тушуниш, ёдлаш, амалиётда қўллаш, лексик прогрессни кузатиш, муайян вақт ичида билимларни ўзлаштириш учун вазиятни ва тил имкониятларини етарли даражада баҳолаш, мутахассислик тилига оид сўзларни ва терминларни ёдлаш ва амалиётда қўллаш, тил бўйича стратегияларни тўғри шакллантириш механизмларидан иборат “SMARTEF” номли ижодий топшириқлардан фойдаланишга оид таклиф Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти, Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети каби олий ҳарбий таълим муассасалари таълим жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2021 йил 30 октябрдаги 9551-сон маълумотномаси). Натижада барча ҳарбий психология йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантларнинг профессионал рус тилидаги нутқининг кўникмалари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та электрон видео-дастур, 1 та ўқув қўлланма ва 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инновацион-педагогик технологияларни қўллаган ҳолда рус тилини ўқитишда бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштиришнинг лингводидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларини “компетенция” ва “стратегик компетенция”си тушунчаси ва моҳияти лингводидактик жиҳатда таҳлил этилган. Шунингдек, рус тилини ўқитишда инновацион-педагогик технологияларни қўлланилиши дидактик жиҳатда кўриб чиқилган.

Мазкур бобнинг *“Стратегик компетенция лингводидактик жиҳатда”* деб номланган биринчи параграфида “компетенция” ва “бошқа тилга оид компетенция” тушунчалари ҳамда уларнинг бош тузилмаларидан бири – “стратегик компетенция” тушунчаси кўриб чиқилган. Уларни такомиллаштиришнинг асосий ёндашувларини кўриб чиқиб, тадқиқотчи ушбу тадқиқот учун муаммога бўлган қарашлари алоҳида аҳамиятга эга бўлган лингводидактикларнинг позицияларини таҳлил қилган.

Илмий ва илмий-оммабоп манбалардан амалга оширилган ахборотли қидирув тадқиқотчига “компетенция” ва “компетентлик” атамаларини турли

хил луғатларда ўхшаш тарзда талқин қилиниши, умумий жиҳатлари жуда кўплиги, лекин “компетенция” тушунчаси кенгрок маънога эга деган хулосага келиш имконини берди.

Умумий маънода “компетентлик” – фаолиятнинг тегишли соҳаларида ва муайян турдаги вазифаларни ҳал қилишда қўйилган талабларга, белгиланган мезонларга ва стандартларга мувофиқликни, зарурий билимларга, натижаларга ишонч билан эришиш ва вазиятни бошқариш қобилиятига эга бўлишни англатади (лотин тилидан *compete* – яқинлашиш, мувофиқ бўлиш, эришиш). Бунда тадқиқотчи “Методик атамалар ва тушунчаларнинг янги луғати”да Е.Г.Азимов ва А.Н.Шукин томонидан “компетенция” тушунчасига берилган талқинига амал қилади, яъни “... компетенция (лотин тилидан *competens* – қобилиятли) – маълум бир фанни ўқитиш жараёнида шаклланган билим, кўникма ва малакаларнинг йиғиндиси, шунингдек олинган билим, кўникма ва малакалар асосида ҳар қандай фаолиятни бажариш қобилиятидир”².

“Бошқа тилга оид компетенция” тушунчасининг ривожланиш тарихида уни тузишга кўплаб ёндашувлар бўлган. Масалан, М.Кэнел ва М.Свэйи концепциясига кўра, бошқа тилга оид коммуникатив компетенциясининг тузилмавий компонентлари бўлиб: лингвистик, социолингвистик, стратегик ва прагматик компетенциялар ҳисобланади³. Шу билан бирга, Л.Ф.Бахман ва О.С.Палмернинг фикрича, бошқа тилга оид коммуникатив компетенциясининг асосий компонентларига лингвистик, социолингвистик, стратегик ва прагматик компетенциялар киради⁴. Ван Дейкнинг концепциясида бошқа тилга оид коммуникатив компетенциясининг бешта компонентлари ажратиб кўрсатилган, жумладан: лингвистик, социолингвистик, дискурсивли, стратегик ва социомаданиятли⁵. Чет тилларига ўқитиш бўйича россиялик таълим методикасида бошқа тилга оид коммуникатив компетенцияси қуйидаги компонентларга бўлинади: нутқли, тилга оид, социомаданиятли, тўлдирувчи ва ўқув-билишга оид⁶.

Чет тилларни ўқитишнинг маҳаллий методикасида, педагогика фанлари доктори, профессор Л.Т.Ахмедова қуйидагиларни қайд этади: “Бошқа тилга оид коммуникатив компетенция – бу тил эгалари билан бошқа тилда мулоқотни олиб боришнинг қобилияти ва реал тайёргарлиги ҳамда мактаб ўқувчиларини ўрганилаётган тил мамлакати маданияти билан таништириш, ўз мамлакатининг маданиятини яхшироқ билиш, уни мулоқот жараёнида тақдим этишнинг қобилиятидир”⁷. Л.Т.Ахмедова бошқа тилга оид

² Азимов Э. Г., Шукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 448 с.

³ Canale M. Theoretical bases of communicative approaches to second language teaching and testing // The applied linguistics reader. London: Routledge, 1980. № 1. P. 1–47.

⁴ Bachman L.F. Fundamental considerations in language testing. Oxford: Oxford University Press, 1991. 408 p.

⁵ Ван Дейк Т.А., Кинч В. Стратегии понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике: Когнитивные аспекты языка: сб. ст. М.: Прогресс, 1988. Вып. 23. С. 153–211.


⁶ Багузина Е.И. Веб-квест технология как дидактическое средство формирования иноязычной коммуникативной компетенции (на примере студентов неязыкового вуза): автореф. дис. ... канд. пед. наук. М., 2012. 29 с.

⁷ Ахмедова Л.Т. Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка» в образовательном процессе Республики Узбекистан. // Научно-методический электронный журнал «Методика. Назария ва амалиёт/ методика методологияси» // илмий макола. Т., 2017. 71 б.

коммуникатив компетенцияни лингвистик, социолингвистик, ўз ичига дискурсив компетенцияни киритадиган прагматик компетенция компонентларининг йиғиндиси сифатида кўриб чиқади. Шунингдек, Л.Т.Ахмедовани қайд этишича, прагматик компетенция мулоқотнинг самарадорлигига кўмаклашувчи стратегияларни таъминлайди, масалан, мураккаб мулоқот вазиятларда тўхтатиш, аниқлаштириш, тўлдириш стратегияларини ўз ичига олган.

Натижада, бошқа тилга оид коммуникатив компетенция қурилишининг бир нечта вариантларини кўриб чиққан ҳолда, тадқиқотчи шундай хулосага келадики, стратегик компетенция унинг муҳим тузилмавий компонентларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу параграфда бўлажак ҳарбий психологларнинг нутқини ривожлантириш мисолида уларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш жараёни кўриб чиқилган бўлиб, тадқиқотчи томонидан бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштириш модели такомиллаштирилган. (1 расмга қаранг)



1- расм. Бўлажак ҳарбий психологларнинг стратегик компетенцияси модели

Ушбу бобнинг “Рус тилига шахсга йўналтирилган ўқитишнинг назарий асослари” деб номланган иккинчи параграфиди муаллиф томонидан шахсга йўналтирилган таълимнинг мазмуни ва тузилмаси очиб берилган.

Тадқиқотчининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг таълим стандарти чет тилларини ўқитишда коммуникатив-фаолиятли, шахсга йўналтирилган, интегратив ва компетентли ёндашувларга асосланади. Тадқиқотчининг таъкидлашича, рус тилини она тили бўлмаган холда ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган ёндашув стратегик компетенцияни такомиллаштиришнинг асосий ёндашувларидан бири ҳисобланади, чунки айнан у ҳар бир курсантга индивидуал ёндашувни назарда тутди, унинг жисмоний ва физиологик, ақлий, ижтимоий ва маданий фазилатларини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг таълим стандартида чет тилини ўқитишга шахсга йўналтирилган ёндашувнинг мақсади нафақат илмий билимларга, балки метабилимларга (услуглар ва билишга оид методлар) ва таълим жараёни иштирокчиларини ўзаро ҳаракатланишининг махсус шаклларига асосланадиган таълимнинг мазмунини ишлаб чиқишдан иборат⁸.

Тадқиқотчи белгиллаганидек, курсантлар билан рус тили бўйича машғулотларга шахсиятга йўналтирилган ёндашув фаол фаолият субъекти сифатида чиқувчи уларнинг индивидуал психологик ва психофизиологик хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг талабалар (фуқаро шахслар)дан фарқли хусусияти шундан иборатки, улар психологик етуқлиги, билишга оид қизиқишлари ва иродали фазилатлар (қатъиятлилиқ, барқарорлик, интизомлик), ривожланган мантикий ва мавҳум фикрлаш, ижтимоий муҳит ва тил маданияти ва бошқаларнинг мавжудлиги билан ажралиб турадиган камол топган инсонлардир.

Тадқиқотчи томонидан “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган туркий тилли курсантларнинг психологик ва педагогик тавсифи ва рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув жараёнида қўлланиладиган услублар берилди (1-жадвал).

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандарти. - Хорижий тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёрлик даражасига қўйиладиган талаблар”. – № 124. 8 май 2013 йил.

Туркий тилли курсантларнинг психологик ва педагогик тавсифи ва рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашув жараёнида қўлланиладиган услублар

Туркий тилли курсантларнинг психологик ва педагогик тавсифи	Рус тилини ўқитишда шахсга йўналтирилган ёндашувнинг самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган услублар
Туркий тилли курсантларнинг ёшга оид хусусиятлари	
бошқаларга таълим даражасининг етишмаслигини кўрсатадиган вазиятларда уятчанликнинг кучайиши.	Коммуникатив-рағбатлантирувчи услуб ўқув фаолиятини компьютер синфида ва лингафонли кабинетда (айниқса таълимнинг дастлабки босқичида) ташкил этиш.
қатъиятлилик, ҳиссий барқарорлик, интизомлик, мустақилликга ва ўзини ўзи бошқаришга интилиш	ўз-ўзини ўқитиш, ўқитувчининг раҳбарлигисиз мустақил ишлаш имкониятларидан фойдаланиш (шу жумладан, аудиториядан ташқари уюшган ўқиш).
кўришга оид хотиранинг эшитиш хотирасидан устунлиги.	тасвирий материаллардан полифункционал фойдаланиш билан бутун анализаторлар йиғиндисига таъсир қилиш.
ижтимоий фаоллик, жамоада ўз ўрнини мустақамлашга, мулоқотга ҳошиш.	<ul style="list-style-type: none"> • гуруҳий, жуфтликларда ишлаш имкониятларидан фойдаланиш; • сўзлашга ўқитишда ўйин шаклларида фойдаланиш.
қўплаб ёши катта таълим олувчиларнинг ўқув материални онгли ўзлаштиришга интилиши.	рус тилини эгаллаш бўйича когнитивли стратегияларга ўқитиш.
профессионал ва шахсга оид жиҳатдан ўз ўрнини топишга интилиш, аҳамияти ва эришиш имконияти нуқтаи назардан таълим мақсадларини таҳлил қилиш.	<p>ўқув материални танлашда функционал йўналтирилганликни кучайтириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • ўз ичига муаммоли, ижодий ва рефлексив характерга эга топшириқларнинг тизимини киритадиган ўқув фаолиятни ташкил этиш; • турли хил билим манбаларидан, шу жумладан таълим олувчиларнинг ҳаётий тажрибасидан максимал даражада фойдаланиш; • ишлаб чиқилган қўлланмаларда ҳис-туйғуларга таъсир қиладиган вербал ва новербал маълумотларнинг мавжудлиги.
Туркий тилли курсантларнинг таълимга оид хусусиятлари	
фанга оид ва умум таълим билимлар даражасининг пастлиги (қоида тариқасида).	Метафрейм услуби

	<ul style="list-style-type: none"> • ўқитувчи томонидан материалнинг тилга оид расмийлаштирилишига максимал киришни таъминлайдиган машғулотнинг пухта ўйланган методикасини яратиш: <ol style="list-style-type: none"> 1) ўқув матнларини лексик, синтактик ва ахборот даражасида мослаштириш тартибидан фойдаланиш; 2) янги лексикани тизимли ва комплекс равишда шарҳлаш, лексик фонини тушунтириш, кўришга оид ва вербал қаторларнинг қўшимча материал сифатида бўлишини таъминлаш, тасвирий материаллардан полифункционал равишда кенг фойдаланиш.
Ахборотларни идрок этишнинг таълим олувчиларга хос бўлган “мозаика” (“клипли”) тури.	<ul style="list-style-type: none"> • ўқув материални тақдим этишнинг ёрқин, эмоционал, аммо мазмунли ва аниқ стили; • хис-туйғуларга мурожаат қилувчи вербал ва новербал маълумотларнинг мавжудлиги; • кўргазмали воситалар (шу жумладан электрон таълим воситалар)нинг имкониятларидан максимал тўлиқ равишда фойдаланиш; • муҳокама, фикрларни солиштириш, мунозарани ўтказишни кўзда тутувчи матндан кейинги ишни ташкил этиш.
Туркий тилли курсантларнинг профессионал хусусиятлари ва эҳтиёжлари	
билишга оид функцияларни автоматизациялашнинг юқори даражаси, ахборот жараёнларнинг эгилувчанлиги, хотиранинг юқори даражаси, кўпинча фикрларнинг чап ярим шарли тури, тузилмавий нутқ.	Реймпринтинг услуби
	<ul style="list-style-type: none"> • курсантларнинг бўлажак касби учун долзарб бўладиган муаммоли ўқув-нутқли вазиятларни яратиш; • ўқишнинг ўрганувчи ва таништирувчи турларига ўргатиш; • семиотик жадваллар, схемалар ва бошқалардан фаол фойдаланиш; • курсантларни тайёрлашда I-II босқичларда ўқитиладиган махсус фанлардан маъруза-суҳбатларни эшитиш учун сўзлашув нутқи элементларидан иборат матнларни моделлаштириш.

Натижада, тадқиқотчи шундай хулосага келдики, замонавий методик ёндашувлар, хусусан, “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган туркий тилли курсантларнинг рус тилини ўргатишни шахсга йўналтирилган ёндашуви ўқув жараёни давомида коммуникацияга ўқитиш она тилида амалга оширилмаслигига асоланган бўлиб, курсантлар улар учун аҳамиятли ва муайян ҳаётий вазиятлар доирасидаги фаолиятда иштирок этадилар. Ушбу

методикада қўлланиладиган ёндашувлар ва методларнинг кўплигидан, тадқиқотчининг асосий эътибори олий ҳарбий таълим муассасаси курсантининг шахсига қаратилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ҳарбий психологларга рус тилини ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотчи томонидан бўлажак ҳарбий психологларга рус тилини ўқитишда “Case-study” педагогик технологиясидан фойдаланиш тизими кўриб чиқилди ҳамда мультимедиали таълим технологияси (анимация ва видеоблоггинг, соасh технология) каби инновацион педагогик технологиялар такомиллаштирилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларида фаолият олиб борувчи рус тили ўқитувчиларининг катта қисми ўз эътиборини интерфаол ўқитиш методлари ва инновацион технологияларга қаратмоқда. Инновацион педагогик технологиялар курсантларнинг нафақат ўқитувчи билан ўзаро ҳаракатланишга, балки бир-бири билан кенг мулоқот қилишига қаратилган бўлиб, улар дўстона муҳитни яратишга, ўз фикрларини ифода этишда кўркувини енгилшга, рус тилини чет тили сифатида ўрганишга туртки беришга ёрдам беради.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, ҳозирги вақда Case-study ижтимоий, педагогик ва бошқа ҳақиқатни дунёвий англанлишини таъминлайдиган, ўқиш жараёнини билимлар тўпламини пассив ўзлаштиришдан фаол эгаллашга ва фаоллаштиришга ўтказишга ёрдам берувчи таълимнинг энг етакчи фаол технологияларидан бири ҳисобланади.

Кейс жамоавий таълим технологияси сифатида бошқа технологияларни жамлайди. Энг аввало, бу индивидуал, гуруҳий ва жамоавий ривожланиш кўникмаларини ўз ичига оладиган ривожлантирадиган шахсга йўналтирилган таълим технологияси ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур бобда **“Ҳарбий психологлар учун рус тили”** ўқув қўлланмаси ҳамда видеоблоггинг ва анимация ёрдамида рус тилига ўқитишнинг электрон дастури диққат-эътиборга тақдим этилади. Ўқув қўлланма матнлардан, машқлардан, аудио ва видеоматериаллардан, мустақил таълим учун материаллардан, презентациялардан, дидактик ўйинлардан ва бошқалардан ташкил топган, яъни тадқиқотчи томонидан бўлажак ҳарбий психологларни мутахассислик тилига ўқитиш тизими ишлаб чиқилган. Яратилган таълим тизими икки қисмдан иборат:

Тўғрилаш курси – кириш курси ҳисобланиб, рус тилига эга бўлмаган курсантларни рус тилига ўқитишга йўналтирилган. Бу ерда асосий эътибор нутқ фаолиятининг оддий кўникмалари (ёзиш, эшитиш, сўлаш ва ўқиш)га ўргатишга қаратилади. Тил материални амалда ишлатиш устида ишлашга эътибор қаратилганлиги сабабли, тизимга қуйидагилар киритилган: лексик-грамматик ва оғзаки нутқни ривожлантириш машқлари.

Такомиллашган курс – янада ривожланган курс ҳисобланиб, такомиллашган даража дастури ҳажмида рус тилига эга бўлган курсантлар учун мўлжалланган. Унинг вазифаси курсантда мавжуд билимини тизимлаштириш, уларни профессионал тил материаллари асосида

кенгайтириш, рус тилининг асосий тузилмаларини амалий ўзлаштиришини ва ўз мутахассислиги бўйича фаол сўз бойлигини таъминлашдан иборат.


Ҳарбий таълим муассасаларида олий таълимнинг шароитларида рус тили бўйича машғулотлар учун ҳар хил инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, аммо тадқиқотчи томонидан фақатгина курсантларга энг мақбул бўладиган технологиялардан айримлари танлаган. Мазкур бобда тадқиқотчи томонидан case-study, видеоблоггинг ва анимация ҳамда coach технологиялари қўлланилган, чунки унинг фикрича айнан улар бўлажак ҳарбий психологларнинг рус тилини ўрганишда қизиқишини оширади ва рус тили бўйича машғулотларда уларнинг стратегик компетенциясини такомиллаштиради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари”** деб номланади. Курсантларнинг шахсий фазилатлари ва ижодий қобилиятларини очиб беришга қаратилган стратегик компетенцияни такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган педагогик тизимнинг самарадорлигини экспериментал текшириш ушбу босқичнинг мақсади ҳисобланди. “Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган курсантлар учун ўқув қўлланма яратилди ва апробация қилинди. Тадқиқотнинг якуний қоидалари ва унинг натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги математик статистика методлари ёрдамида текширилди; тадқиқот экспериментал қисмининг асосий натижалари ва хулосаларини илмий тушуниш ва оммавий амалиётга жорий этиш амалга оширилди.

Тадқиқот доирасида диссертация бўйича экспериментал ишларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларнинг объектлари, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг 65 нафар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 46 нафар, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг 58 нафар, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юртининг 36 нафар курсантлари танланган. Жами бўлиб экспериментда 205 нафар курсант иштирок этди, улардан 105 нафари экспериментал гуруҳда ва 100 нафари назорат гуруҳида қатнашишди. Экспериментал гуруҳлардаги тадқиқотлар “Ҳарбий психологлар учун рус тили” ўқув қўлланмасига киритилган инновацион педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этилди, назорат гуруҳларида эса машғулотлар анъанавий методлар асосида олиб борилди. Эксперимент ўз ичига иккита босқични олди, яъни: *бошланғич ва якуний тестларни*.

Экспериментал ва назорат гуруҳлари курсантларининг билим даражаси Давлат таълим стандартлари ва малака талабларига мос келишига эътибор қаратилади. Экспериментал иш асосида инновацион педагогик технологиялар ёрдамида рус тили бўйича машғулотларнинг самарадорлиги ошганини аниқлаш мақсадида “Рус тили” фанидан жорий, оралик ва якуний назорат ишлари ўтказилди, уларнинг натижалари сифат ва миқдорий

нисбатларда таҳлил қилинди. Олинган натижаларга математик-статистик методлар орқали ишлов берилди (2-расмга қаранг).



2.-расм. Барча олий таълим муассасалари бўйича экспериментал ишнинг умумий натижалари

Ўқув жараёни самарадорлигини оширишни баҳолашнинг бир қанча усуллари мавжуд, улардан курсантларнинг танлаш мезони χ^2 , шунингдек Пирсоннинг мувофиқлик мезони экспериментал ишнинг натижаларига нисбатан қўлланилган. Экспериментал ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш даражасини солиштириш мақсадида гуруҳлардаги ўзлаштиришни баҳолашнинг ўртача қиймати сифатида $N \times m \times X \sum_{ij} =$ олинган, қаерда χ_i – ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобланади. Курсантларнинг билимларини баҳолашда мониторинг тизимининг 100 балли рейтинги қўлланилди.

Математик-статистик формулалардан фойдаланган ҳолда экспериментал гуруҳлар курсантлари томонидан олинган балларни x_i , курсантлар сонини n_i , статистик эҳтимолликни $P_i = \frac{n_i}{N}$ деб белгилаймиз ҳамда назорат гуруҳларга мувофиқ қуйидаги формулани белгилаймиз: m_i ва $q_i = \frac{m_i}{M}$. Натижада биз иккита статистик қаторга эга бўлдик (2.-жадвал).

2.-жадвал. Назорат ва экспериментал гуруҳлардаги курсантларни ўзлаштириш даражасининг натижалари

Экспериментал гуруҳидаги курсантларнинг натижалари														
X	40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100	Суммаси n
N			1	2	4	6	12	16	18	21	14	7	4	105
P	0	0	0,010	0,019	0,038	0,057	0,114	0,152	0,171	0,200	0,133	0,067	0,038	
Px	0	0	0,476	1,048	2,286	3,714	8,000	11,429	13,714	17,000	12,000	6,333	3,810	79,81
	0,00	0,00	23,81	57,62	137,14	241,43	560,00	857,14	1097,14	1445,00	1080,00	601,67	380,95	6481,90

Назорат гуруҳидаги курсантларнинг натижалари														
<i>X</i>	40	45	50	55	60	65	70	75	80	85	90	95	100	Суммаси <i>n</i>
<i>N</i>	1	2	3	5	9	11	13	18	14	11	6	5	2	100
<i>P</i>	0,010	0,020	0,030	0,050	0,090	0,110	0,130	0,180	0,140	0,110	0,060	0,050	0,020	0,010
<i>Px</i>	0,400	0,900	1,500	2,750	5,400	7,150	9,100	13,500	11,200	9,350	5,400	4,750	2,000	73,4

16,00 40,50 75,00 151,25 324,00 464,75 637,00 1012,50 896,00 794,75 486,00 451,25 200,00 16,00

Кейинчалик статистик қаторларга мувофиқ курсантлар ўзлаштириш даражасининг ўртача кўрсаткичлари ҳисобланади:

$$\bar{x} = \sum_i p_i x_i = 50 \cdot 0,01 + 55 \cdot 0,019 + 60 \cdot 0,038 + 65 \cdot 0,057 + 70 \cdot 0,114 + 7 \cdot 0,152$$

$$+ 80 \cdot 0,171 + 85 \cdot 0,200 + 90 \cdot 0,133 + 95 \cdot 0,067 + 100 \cdot 0,038 = 79,81$$

$$\bar{y} = \sum_i q_i y_i = 40 \cdot 0,01 + 45 \cdot 0,02 + 50 \cdot 0,03 + 55 \cdot 0,05 + 60 \cdot 0,09 + 65 \cdot 0,11 +$$

